

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

## ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

### Строитель Узбекистана

№59 (408)


2020 йил 28 июль, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

f UZBUNYODKOR

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkori@uamail.uz



## ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 июль кун

яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражаси юқори. Шу боис кейинги йилларда бизнесга қўшимча қўлайликлар яратиш орқали яширин иқтисодиёт улушини камайтириш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, валюта бозори эркинлаштирилди, янги солиқ тизими жорий этилди, 100 га яқин рухсат бериш ва лицензиялаш қоидалари қисқартирилди. Буларнинг натижасида охириги 5 йилда саноатда норасмий сектор улуши 20 фоиздан 6 фоизга тушган.

Йиғилишда бу борадаги ишлар етарли эмаслиги қайд этилиб, галдаги вазифалар муҳокама қилинди. Халқаро ташкилотлар экспертларини жалб қилган ҳолда, яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича стратегия ишлаб чиқиш топшириғи берилди.

Давлат раҳбари яширин иқтисодиётга қарши курашишда эҳтиёт бўлиш, иқтисодий фаолликка зарар етказиб қўймаслик, бунинг учун давлат органлари, бизнес ва жамоатчилик ҳам-

жиҳатликда ишлаши муҳимлигини таъкидлади.

Солиқ ислохотларини изчил давом эттириб, яширин иқтисодиётга йўл қўймайдиган тизим жорий этиш вазифаси қўйилди. «Инсофли солиқ тўловчи» тизимини шакллантириб, шу йил якунига қадар Тошкент шаҳрида намуна сифатида амалга оширишга кўрсатма берилди.

Давлат харидлари ва инвестиция лойиҳаларида коррупцияга чек қўйиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Молия вазирлигига бу борада шаффоликни таъминлаш, жамоат назорати ва рақобатни кучайтириш мақсадида Давлат харидлари ахборот порталини ишга тушириш топширилди.

Эндиликда ҳар бир инвестиция лойиҳаси коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши белгиланди. 2021 йилдан бошлаб ушбу тизим марказлашган маблағлар ҳисобига амалга оширилаётган барча лойиҳаларга татбиқ этилади.

(Давоми 2-бетда)

## ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ ҚАНДАЙ?

Мамлакатимиз бугунги кунда жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Ялпи ички маҳсулот ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда экспорт ҳажмини кўпайтириш давлат раҳбари томонидан иқтисодий сектор вакилларида қўйилаётган энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади ҳамда ушбу вазифаларни самарали бажариш учун энг аввало коррупцияни бартараф этиш лозим бўлади.

Қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг барча секторлари учун локомотив вазифасини ўтайди. Зеро, ҳар бир мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўини ва жозибадорлигини ушбу юрда мавжуд бўлган энг машҳур архитектура намуналари кўрсатиб беради. Прогнозларга асосан, дунё бўйлаб капитал-қурилиш соҳасига ажратилаётган маблағлар ҳажми 2025 йилга келиб, 70 фоизга ўсади ҳамда 14 триллион АҚШ доллари га етади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида ҳам ушбу соҳага ажратилган бюджет маблағлари йилдан-йилга кўпайиб, 2019 йилда 69 триллион сўмни ташкил қилган.

БМТ барқарор ривожланиш дастури, Европа комиссияси, Жаҳон банки, «Transparency International», «GIACC» каби халқаро ташкилотлар қурилиш соҳаси иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа секторлари орасида энг коррупциялашганини таъкидлаб келишади.

2020 йилнинг апрель-май ойларида Бухоро ва Сирдарё вилоятларида бўлган воқеалар ҳам бажарилаётган ишларнинг сифатини очик кўрсатиб берди.

Қурилиш соҳасида коррупцияни олдини олиш, коррупциявий хавф-хатарларни бартараф қилиш юзасидан муайян бир расмий халқаро ҳужжат мавжуд эмас. Шунга қарамастан, БМТ, Жаҳон банки, «Transparency International» ва бир қатор бошқа халқаро нотижорат ташкилотлари

томонидан соҳада коррупцияни камайтиришга қаратилган таҳлилий ҳужжатлар тузиб чиқилган.

Жумладан, БМТнинг 2030 йилга қадар барқарор ривожланиш дастури (UNDP)га 17 та мақсад киритилган бўлиб, улардан 16 мақсад тинч, адолатли ва таъминланган жамият қуришни ўз ичига олади. Бунда 2030 йилга қадар барқарор ривожланиш дастури рўйбга чиқариш учун бугунги кунда ҳар йили бир неча триллион долларлаб маблағларни «ўғирлаётган» жаҳон капитал-қурилиш тизимидаги коррупция бартараф этилиши лозим бўлган энг муҳим муаммолар сирасига киритилган.


Соҳада коррупцияни бартараф этиш ҳамда шаффофликни тарғиб қилишга қаратилган тадбирларни муваффақиятли олиб бораётган халқаро ташкилотлардан бири сифатида «CoSt» халқаро шаффоф қурилиш дастури олишимиз мумкин.

Мазкур дастур 2012 йилдан бери фаолият олиб боради. Бугунги кунда 15 та мамлакат билан ҳамкорликда тадбирлар ташкил этиб келмоқда. Тадбирлар давомида соҳада коррупцияни бартараф этиш учун давлат харидларини амалга ошириш юзасидан олиб борилган барча маълумотларни ошкор қилиш ҳамда тендер (танлов) жараёни ва натижалари барча учун очик бўлиши таъмин қилинган.

(Давоми 2-бетда)

«Қўқон» эркин иқтисодий зонасида фойдаланишга топширилаётган корхоналар сони кун сайин ортиб бормоқда. Улардан бири, тадбиркор Алпонжон Толипов раҳбарлик қилаётган «KHAT DECOR» хусусий корхонасида асосан қурилиш материаллари тайёрланади.

## Корхона маҳсулотларига талаб катта



Айни пайтда корхонада 50 дан зиёд ёшлар иш билан банд. Замонавий технология асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхонада хомашё асосан Россия, Хитой давлатларидан олиб келиняпти. Корхонанинг асосан ДСП, МДФ каби қурилиш маҳсулотларига бозорда талаб катта.

Корхона раҳбари Алпонжон Толиповнинг айтишича, келажакда экспортни йўлга қўйиш мўлжалланмоқда. Янги лойиҳалар устида ишланмоқда.

Суратларда: корхонада.

Муқимжон ҚОДИРОВ (Ўза) олган суратлар.

## ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА АҲОЛИНИ ТИББИЙ ЁРДАМ БИЛАН ҚАМРАБ ОЛИШ МИҚЁСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 июль кун Тошкент шаҳрида коронавирус пандемиясига қарши курашиш, бу борадаги ишларнинг самарадорлигини, аҳолига сифатли ва ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш қамровини ошириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳисоботини тинглади.

Давлатимиз раҳбари эпидемиологик ҳолатни жиддий назоратга олиб, деярли ҳар бир йиғилишда бу масалага тўхталиб ўтмоқда. Жумладан, 15 июль кун бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги эпидемиологик вазиятни жиловлашдаги ишлар жиддий танқид қилиниб, касалларни ўз вақтида ва тўғри даволаш учун шароит яратиш бўйича топшириқлар берилган эди.

Хусусан, пойтахтимизда қисқа вақтда кенг қўлмалли ташкилий ишлар амалга оширилди. Юнусобод туманидаги «Ўзэкспомарказ» павильонида, Гимнастика саройида, «Ёшлик» спорт мажмуаси ва бошқа биноларда коронавирусга гумон қилинганларга ташхис қўйиш, заруратга кўра даволаш учун шароит яратилмоқда. Улар пандемия талаблари асосида жиҳозланиб, зарур тиббий ускуналар билан таъминланмоқда.

Касалликка чалинганлар ва айни кунларда пневмониядан азият чекаётганларга амалий ёрдам тариқасида 10 та махсус поликлиника ташкил этилди. Уларнинг фаолияти туну кун йўлга қўйилган бўлиб, фуқаролар бу ерга мурожаат қилиш орқали малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқда.

Презентация шаклидаги муҳокамада Ўзбекистон Республикаси Бош вазир, марказий муассасалар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатда санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлашга жалб этилган бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари пандемия шароитида соғлиқни сақлаш миллий тизимини қўллаб-қувватлаш, жумладан, пойтахтдаги спорт мажмуалари негизда ташкил этилаётган тақсимлаш марказлари ва янги клиникаларни тиббий ходимлар билан таъминлаш, коронавирус билан хасталанган шахсларни самарали даволашга мамлакатимиз ҳарбийлари, ҳарбий-тиббий муассасаларнинг хизматчилари ва тиббиёт мутахассисларини жалб қилиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Жалб қилинаётган тиббиёт ходимларининг сменадаги меҳнатига ҳар кун, ўз вақтида ҳақ тўлаш, уларни зарур яқка тартибдаги химё воситалари, озиқ-овқат ва ётоқ билан таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Муҳокама якунида мутасадди тузилмалар раҳбарларига бу борадаги ишларни ташкил этиш бўйича аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Ўза.

### DURABLE BETON ИШОНЧЛИ ҲАМКОР!

“DURABLE BETON” ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ВИЛОЯТЛАР БЎЙЛАБ БЕТОН МАҲСУЛОТИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЕТАКЧИ СУБЪЕКТЛАРДАН БИРИ ҲИСОВЛАНАДИ. КОРХОНА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ОРҚАЛИ МИКРОЭКОНОМИКАНИ ИШОНЧЛИ ОҚЛАБ, КЎПЛАБ ЙИРИК ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ ДОИМИЙ ҲАМКОРИГА АЙЛАНГАН.

“DURABLE BETON” ТАЙЁР БЕТОН МАҲСУЛОТИНИНГ В-7.5 (М-100) МАРКАДАН В-60 (М-800) МАРКАГАЧА БЎЛГАН БАРЧА ТУРЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ. ҲАР БИР МАҲСУЛОТ СИФАТ ВА УНИНГ МУСТАҲКАМЛИГИНИ КАФОЛАТЛОВЧИ МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИГА ЭГА.

МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ВА МИКРОЭКОНОМИКАНИ МУСТАҲКАМ БЕТОН БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА “DURABLE BETON” КОРХОНАСИ ТОМОНИДАН 6 ТА БЕТОН ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОД ВА 5 ТА ЗАМОНАВИЙ ИЧКИ ЛАБОРАТОРИЯЛАР ТАШКИЛЛАШТИРИЛГАН. УШБУ ЛАБОРАТОРИЯЛАРДА ТАҲРИВАЛИ МУХАНДИС ВА ЛАБОРАНТЛАР ТАЙЁР БЕТОН МАҲСУЛОТИНИНГ БАРДОШЛИЛИгини НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ УСТИДА ИЗЛАНИШЛАР ОЛИБ БОРИШАДИ. ҲАР БИР ЛАБОРАТОРИЯ ДУНЁ СТАНДАРТИГА МОС РАВИШДА ЖИҲОЗЛАНГАН БЎЛИБ, КОРХОНАНИНГ УМУМИЙ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ, ЮҚОРИ ДАРАЖАДА ИШОНЧЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА МУҲИМ ЎРИН TUTАДИ.

“DURABLE BETON” КЎПЛАБ ЙИРИК ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИГА АСОСИЙ БЕТОН ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ КОРХОНА ҲИСОВЛАНАДИ, ЖУМЛАДАН: “TASHKENT CITY”, “BOULEVARD”, “AKAY CITY”, “NOVOMOSKOVSKAYA”, “CHALK ENERGY”, “GREENWICH”, “YANGI DAXON”, “BAROSSO”, “OQ TERA SONI BOYI” VA BOШҚАЛАР.

КОРХОНА ҲАМКОРЛАРИ: “MURAD BUILDINGS”, “MODERN STROY”, “REAL HOUSE”, “GOLDEN HOUSE”, “DREAM CITY DEVELOPMENT”, “DISCOVER INVEST”, “BIZNING UYLAR”, “OSIYO STROY” VA BOШҚАЛАР.

ШУНИ ҲАМ ТАЪКИДЛАБ ЎТИШ ЛОЗИМКИ, “DURABLE BETON” КОРХОНАСИ ЙИРИК ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЎЗ ҲИССАСИНИ ҚўШИБ КЕЛАЁТГАНДАН МАМНУН!

## +998 95 485 55 55

# ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ҚИСКАРТИРИШ ВА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлат органларида ҳам яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши мувофиқлик тизими жорий этилмоқда. Хусусан, Қурилиш, Соғлиқни сақлаш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларида, «Ўзбекнефтегаз» ва «Ўзкимёсанот» акциядорлик жамиятларида бу борада ишлар бошланган. Йил якунига яна 14 та ташкилотда ва давлат улушига эга 10 та банкда ушбу тизимни жорий этиш вазифаси қўйилди.

Соҳалар ва йўналишлар кесимида коррупцияга қарши курашиш бўйича «йўл хариталари» ишлаб чиқиш ҳамда ижросини муҳокама қилиб бориш юзасидан топшириқлар берилди.

Шунингдек, давлат органлари, корхоналар ва ҳудудларда коррупция ва яширин иқтисодиёт рейтинг методикаси ишлаб чиқиши белгиланди. 2021 йилдан бошлаб ушбу рейтинг натижалари эълон қилиб борилади, шу асосда барча раҳбарларнинг шахсий масъулияти баҳоланади.

Йиғилишда божхона ва солиқ тизими-га доир масалалар ҳам кўриб чиқилди. Инсон омилга чек қўйиш орқали контрабанда ва маҳсулотларнинг божхона қийматини сунъий пасайтириш ҳолатлари устидан божхона назоратини кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасига импорт товарларининг кириб келиши, божхонадан ўтказилиши ва сотилиши бўйича ягона базани ишга тушириш юзасидан топшириқлар берилди. Шунингдек, 2021 йил 1 январдан «Божхона аудити» ахборот тизимини жорий этиш вазифаси белгиланди.

Президентимиз яширин иқтисодиётни қисқартириш учун одамларнинг легал ишлашига кўмаклашиш, уларни манфаатдор қилиш кераклигини таъкидлади. Масалан, ўзини ўзи банд қилиш тизими соддалаштирилгани натижада иш оқибатининг ўзида 184 минг фуқаро расмий секторда иш юрита бошлади.

Лекин, қурилиш, савдо, умумий овқатланиш, транспорт ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида норасмий бандлик даражаси ҳамон юқори. Умуман, иқтисодиётда банд бўлган 10,5 миллион аҳолининг аттиги 4,9 миллиони даромад солиғи тўлайди.

Йиғилишда бундай соҳалар бўйича манзилли ишлар, норасмий фаолият юритаётган субъектларни рағбатлантирувчи механизмлар орқали яширин иқти-

содиётдан олиб чиқиш кераклиги айтилди. Савдо, умумий овқатланиш, транспорт ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида пластик карталар ва бошқа турдаги контрактсиз тўловларни айланма даромад солиғини ҳисоблаш базасига киритмаслик таклифи билдирилди.

Давлатимиз раҳбари кичик бизнес субъектлари учун солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш, тадбиркорлик фаолиятига руҳсат бериш ва лицензиялашда қишлоқ тартиб-таомиллари янада қисқартириш зарурлигини таъкидлади.

Масалан, 100 та лицензия ва 34 та руҳсатномани қисқартириб, хабардор қилиш тартибига ўтказиш, яна кўпларини соддалаштириш, 14 та ҳужжатни бериш муддатларини 2 барабаргача қисқартириш мумкин. Ушбу чоралар натижасида тадбиркорлар йилга 125 миллиард сўм иқтисод қилиш имконига эга бўлади.

Шунингдек, 43 та идоранинг 270 та назорат функциясини танқидий ўрганиб, яширин иқтисодиёт ва коррупцияга сабаб бўлаётган ваколатларини қисқартириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ўз навбатида, коррупцион ва яширин фаолиятга муккасидан кетган ноинсоф тадбиркорларга нисбатан жавобгарликни кучайтириш зарурлиги айтилди.

Яширин иқтисодиётни тармоқлар ва соҳалар бўйича таҳлил қилиш талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда, бир вилоят мисолида яширин иқтисодиётнинг статистик ҳисоботи жорий этилиши белгиланди.

Коррупция ва яширин иқтисодиётга қарши курашишда асосий куч бизнес ва жамоатчиликдир. Шу боис жамиятда бу иллатларга нисбатан нафрат туйғусини шакллантириш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали уларнинг салбий оқибатларини ёритиб бориш муҳимлиги қайд этилди.

Яширин иқтисодиётга қарши курашиш тадбиркорларни жазолаш, уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш дегани эмас. Бу, айниқса, пандемия даврида катта аҳамиятга эга. Жойларда жамоатчилик назоратини кучайтириш орқали майда коррупцияга ҳам қатъий чоралар кўриш зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда белгиланган чора-тадбирлар юзасидан ҳар бир вазирлик ва тармоқ олдига йил якунида аниқ кўрсаткичларга (KPI) эришиш вазифаси қўйилди.

ЎЗА.

# ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ ҚАНДАЙ?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур ташкилот томонидан унга аъзо бўлмаган давлатлардаги фуқаролар учун қурилиш тизимида коррупцияни олдини олишга қаратилган алоҳида қўлланмалар ишлаб чиқилган. Ташкилотга аъзо давлатларга эса, йирик қурилиш объектларида ўзининг қўшимча анти-коррупцион экспертизасини таклиф қилади. Бундай амалий тадбирлар айрим давлатлар учун бюджет маблағларини сақлаб қолишга сабаб бўлган.

Жумладан, ташкилот экспертлари томонидан Гватемалада давлат органи мансабдор шахслари томонидан аслида барқарор турган кўприкни таъмирталаб ҳолатда деб кўрсатиб, унда 5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги қурилиш-таъмирлаш ишларини фавқулодда тез процедуралардан фойдаланиб, танловсиз таниш бўлган пудратчиға топширилгани аниқланган. Натижада шартнома бекор қилиниб, бюджет маблағлари сақлаб қолинган.

Мазкур ташкилот нодавлат нотижорат ташкилот сифатида капитал-қурилиш тизимида жамоатчилик назоратини амалга оширишини, барча даражадаги мансабдор шахсларга маҳаллий оммавий ахборот воситаларидан кўра самарали босим ўткази олишини ҳамда маҳаллий пудратчи ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келишини таъкидлаб, аъзо бўлмаган давлатларни ҳамкорликка чақирган. Юртимизда ҳам шу каби ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Соҳада шаффофликни тарғиб қилувчи халқаро дастурлардан яна бири сифатида 2012 йилда Жаҳон банкидан алоҳида дастур сифатида ажралиб чиққан «Open contracting partnership» дастурини олишимиз мумкин. Мазкур ташкилот давлат органлари, ташкилот, идора ва муассасалар ҳамда давлат эгалигидаги корхоналар томонидан ўтказилган ҳар қандай давлат харидларини интернет тармоғида очик эълон қилиб боришни тарғиб қилади. Бугунги кунга қадар, ушбу ташкилот дастурини 30 дан ортиқ давлатлар имплементация қилган бўлиб, мазкур давлатлар томонидан ушбу ташаббус юқори даражада баҳоланган.

Дастурнинг асосий қоидаларидан бири капитал-қурилиш соҳасида давлат харидларини амалга оширишда, ер танлаш, лойиҳа ишларини олиб бориш, экспертизадан ўтказиш, тендер (танлов) савдоларини ўтказиш, пудратчи билан шартнома тузиш, қурилиш ишларини олиб бориш ҳамда объектни қабул қилиш жараёнида расмий-



лаштирилаётган барча ҳужжатларни онлайн платформада битта ҳужжатлар пакетига йиғиш ҳамда жамоатчиликка эълон қилиш гоёси саналади.

Шунингдек, дастур томонидан эълон қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати, ушбу ҳужжатларнинг барча давлатлар учун ягона намуналари ҳамда мазкур ҳужжатларда кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхати ҳам ишлаб чиқилган.

Капитал-қурилиш тизимида коррупцияни бартараф этиш билан глобал даражада шуғулланувчи махсус халқаро ташкилотлар сони у қадар кўп эмас ва уларнинг аксарияти XX асрнинг бошларидагина фаолиятини бошлаган. Улар орасида энг биринчиларидан бири сифатида 2008 йилда Британиялик икки адвокат томонидан ташкил этилган Қурилишда коррупцияга қарши кураш глобал марказини олишимиз мумкин. Мазкур ташкилот томонидан капитал-қурилиш соҳасида 12 та коррупцияга қарши кураш бўйича минимал стандартлар эълон қилинган. Улар орасида шаффофлик ва қулай ахборот қидирув тизимини ташкил қилиш, ички ва ташқи аудит ҳамда комплаенс-назорат тизимларини жорий этиш мавжуд.

Юқорида қайд этилган стандартлар капитал-қурилиш соҳасининг ҳам давлат, ҳам нодавлат сектордаги субъектларига қаратилган умумий стандартлар бўлиб, уларнинг қўлчилиги у ёки бу шаклда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан ўрин олган. Шу ўрин-

да юқоридагилардан «комплаенс назорат» тизимини жорий қилиш бўйича ўрнатилган стандарт ҳам миллий қонунчилигимиздан ўрин олиши коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш учун хизмат қилган бўлар эди.

Хорижий экспертлар томонидан соҳада коррупцияни олдини олиш юзасидан берилган тавсияларда одоб-ахлоқ қоидаларига тааллуқли тавсияларни кўп учратишимиз мумкин.

Масалан, дунёнинг коррупцияга қарши кураш бўйича етакчи ташкилотларидан бири бўлган «Transparency international» ташкилоти томонидан қурилиш соҳасида давлат харидларини олиб борадиган ҳар қандай орган ёки ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қатъий қоидаларни ўз ичига олган одоб-ахлоқ қоидаларини тузиб чиқишлари ва унинг ичига манфаатлар тўқнашуви, коррупция тўғрисида хабардор қилиш ҳамда ҳаёт берган шахсларнинг ҳимоясини таъминлашнинг механизмларини яратишлари лозимлиги белгиланган.

Юқоридаги аксарият фундаментад талаблар бўйича юртимизда бирор-бир амалиёт мавжуд эмас.

Жумладан, капитал-қурилишда давлат назоратини олиб борувчи орган ҳамда корхоналарда ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари ишлаб чиқилмаган бўлиб, бу борада идораларда коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик тўғрисида ходимларга йиғилиш ўтказиб, ўқитиш ва йиғилиш баёни тузган ҳолда

расмийлаштириш каби самарасиз ҳамда кўзбўйамачиликка асосланган амалиёт сақланиб қолган.

Қолаверса, қурилиш соҳасида жамоатчилик назорати ҳамда шаффофлик институтларини қўллаш ўрнига тендер (танлов) савдоларини ўтказишда талабгорларнинг таклифларини ўрганиш ва баҳолаш, шунингдек, тендер қолибини аниқлаш ёпиқ йиғилишларда ўтказилиши ҳамда таклифларни ўрганиш ва баҳолашга оид ахборот ошкор қилинмаслиги талаблари Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан бюртмачиларга «намуна» қилиб берилганини қандай тушуниш мумкин.

«Transparency international» халқаро ташкилотининг халқаро инвесторлар орасидаги нуфузини ҳамда ундаги коррупцияни қабул қилиш индексида Ўзбекистон Республикаси 180 та давлат орасида 153 ўринни эгаллаганини инобатга олиб, соҳадаги «Ягона бюртмачи хизмат» инжиниринг компанияси ҳамда бюртмачи хизматини функциясини бажарувчи барча компанияларда юқорида назарда тутилган одоб-ахлоқ қоидаларини тузиб чиқиш мажбуриятини юклав, тендер (танлов) савдоларида жамоатчиликнинг иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш ҳамда тендер савдолари натижаларини жамоатчилик учун очик эълон қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Миршод ХУЖАЕВ,

Бош прокуратура Академияси магистратура тингловчиси.

## Миёнкалдаги кўприклар юртнинг қон-томирлари

Шу кунларда «Тошкент – Туркманбоши» М-39 автомобиль йўлининг Қорадарё дарёси устидан ўтувчи қисми улкан қурилиш майдонига айланган. Бунёдкорлар муҳташам, халқаро стандартларга мос кўприкни бунёд этишда фаол қатнашмоқдалар. Шунингдек, Чатақдан «Митан» кўрғонига киришдаги «қон-томирни» янгилаш юмушлари ҳам жадаллик билан олиб борилаётгани эътиборга сазовор.



Коронавирус пандемияси бутун дунёни ларзага солаётган, одамлар тинчлиги, соғлиғига путур етказётган бир пайтда давлат аҳамиятига молик долзарб иншоотлардаги ишлар кечаю кундуз, тиним билмай давом этириляётгани бу ердан ўтаётган йўловчиларни, транспорт эгаларини, қолаверса миёнкаликларни беҳад қувонтираётгани шак-шубҳасиз. Гап шундаки, аслида зар қокилли Зарафшон водийсининг Самарқанд ҳамда Хатирчи оралиғидаги ерлари қадимдан Миёнкал ороли, деб атаб келинган. У Зарафшон дарёсининг икки irmoғи – Окдарё ва Қорадарё ўртасида жойлашгани эътиборлидир. Айни дамда Окдарё ва Иштихон туманларига тегишли маконда ярим миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилиб, юртимиз ривожу равнақиға ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Оби ҳаёт тўфайли обод, гуллаб-яшнаган воҳага кириш ёки ундан чиқиш учун эса дарёни кечиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Қолавер-

са, бу жой вилоятларни бир-бирига боғловчи муҳим стратегик манзил ҳисобланади.

Хўш, бундай шароитда қандай йўл тутиш керак? Буни кишиларнинг мушуқлини осонлаштираётган касб эгалари – кўприксозларнинг хизматисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Самарқанд вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси «Кўприклардан фойдаланиш» унитар корхонаси жамоаси ана шу хайрли ҳаракатнинг бошида тургани, шунга масъул эканликлари билан фахрлиниши боиси шундан.

– Зиммамизга юклатилган вазифа шарафли бўлиши билан бирга, жавобгарлик талаб этишини алоҳида таъкидлашни истардим, – дейди унитар корхона бош муҳандиси Усмон Тошпўлатов. – Биз ҳар доим қийин устакаларга жалб қилиниб, катта синовларни бошдан кечиришимизга тўғри келади. Чунки ҳар бир иншоот мураккаб муҳандислик

қурилмаси бўлиб, барчаси ўз тузилиши, жойлашишига кўра алоҳида ёндашув ва синчковлиқни талаб этиши ҳеч кимга сир эмас. Масалан, яқинда Иштихон шаҳрини Нурута ва Пайариқ билан боғловчи кўприк ўрнида янгисини барпо этиб, фойдаланишга топширдик. Қанчалик машаққатли бўлмасин, ишчи-хизматчиларимиз аҳиллик ва фидойилик намунасини кўрсатиб, муддатидан олдин ўз ниятларига эришдилар. Қўлга киритилган ютуқларда касб сир-асрорларини пухта билувчи, талабчан ва меҳрибон раҳбаримиз Адаш Уроқовнинг хизматларини эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда ҳам кўприксозлар тиним билмаяптилар. Улар Миёнкалнинг яна бир қон-томири Митан кўрғони ва Челақ шаҳрини боғловчи эски кўприк ўрнида замонавий, кенг, янги иншоотни қуришга фаол киришганлар. «Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш» ДУК бюртмаси бўйича амалга оширилаётган юмушлар кўпчиликка манзур тушаётди. Норбўта Ибрагимов бошчилигидаги бригада аъзолари йил охиригача уни ишга туширишга астойдил бел боғлашган. Шуниси эътиборлики, «Йўл лойиҳа» МЧЖнинг Бухоро филиали мутахассислари объектни бугунги талаблардан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштиргани айна мудабо бўлди. Қарийб 50 метр узунлик ва 12 метр энлигидаги кўприкнинг икки четида бир ярим метрлик пиёдалар йўлагини жойлаштирилган. Ҳимоя занжирлари меъморий қоидаларга мувофиқ тузилиши ҳисобга олингани бу борадаги фаолият янада ривожланиётгани, жаҳон андозаларига мос келаётганидан далолатдир.

Суратда: кўприксозлар меҳнат устиди.

Ҳамза ШУКУРОВ,  
O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Фориш туманида ички ва ташқи туризмни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилган. Бу борада меҳмонхоналар фаолиятини самарали йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

## Форишда янги меҳмонхона



«Мустақиллик» фирмаси туман ҳокимлиги балансида бўлган эски бинони «ноль» қийматда олганди. Фирма томонидан эски бино ўрнида янги замонавий икки қаватли меҳмонхона биноси бунёд этилди. Замонавий архитектура талаблари асосида бунёд этилган мазкур меҳмонхона 80 ўринли бўлиб, бу ерда меҳмонларга хизмат кўрсатадиган

44 ўринли ресторан ҳам мавжуд. Барча хоналар замонавий мебеллар билан жиҳозланган.

Мазкур янги меҳмонхона биноси туман марказидан озгина юқорида, баланд қир устида бунёд этилган. Бу ердан меҳмонларга туман маркази ва ён-атрофидаги қишлоқлар манзараси яққол кўри-ниб туради.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### Тошкент вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бўйича «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

томонидан киритилган қуйидаги объектлар бўйича

### ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| Т/р | Объект номи                                                                                                      | Бошланғич қиймати (ҚҚС билан) сўмда | Қурилиш тугаллаш муддати |
|-----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------|--------------------------|
| 1.  | Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрининг «Тараққиёт» МФЙдаги 1176 ўринли 4-сон умумтаълим мактабини реконструкция қилиш | 6 828 240 845                       | 150 кун                  |

**Буюртмачи:** Тошкент вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бўйича «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Бектемир» МФЙ, Яшил водий кўчаси, 45-уй.

**Молиялаштириш манбаи:** Давлат бюджетли маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, етарли касбий ва техникавий малакали мутахассисларга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси – Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Тошкент шаҳар А. Навоий кўчаси, 18-уй.

**Телефон (факс):** 71-241-15-26, 71-241-15-37.

**Электрон манзил:** [toshkonsaltingtorg@bk.ru](mailto:toshkonsaltingtorg@bk.ru)

Иштирокчилар тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича <https://dxarid.uzex.uz> махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

**Таклиф (оферта) очилиши <https://dxarid.uzex.uz> махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Бектемир» МФЙ, Яшил водий кўчаси, 45-уй.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### Тошкент вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бўйича «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

томонидан киритилган қуйидаги объектлар бўйича

### ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

| Т/р | Объект номи                                                                                                                                                                                                                                                                        | Бошланғич қиймати (ҚҚС билан) сўмда | Қурилиш тугаллаш муддати |
|-----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------|--------------------------|
| 1.  | Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳридаги 94121-ҳарбий қисмининг бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш (ҳарбий шаҳарча периметри бўйлаб ҳудудга тўсиқлар, қўриқлаш-техник воситалари, ёритиш, қўшимча чўшиқ дарвоза ва назорат текшириш пунктини ўрнатиш) | 7 554 864 466                       | 150 кун                  |

**Буюртмачи:** Тошкент вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бўйича «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Бектемир» МФЙ, Яшил водий кўчаси, 45-уй.

**Молиялаштириш манбаи:** Давлат бюджетли маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, етарли касбий ва техникавий малакали мутахассисларга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси – Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Тошкент шаҳар А. Навоий кўчаси, 18-уй.

**Телефон (факс):** 71-241-15-26, 71-241-15-37.

**Электрон манзил:** [toshkonsaltingtorg@bk.ru](mailto:toshkonsaltingtorg@bk.ru)

Иштирокчилар тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича <https://dxarid.uzex.uz> махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

**Таклиф (оферта) очилиши <https://dxarid.uzex.uz> махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Бектемир» МФЙ, Яшил водий кўчаси, 45-уй.

## Хайру саховат давом этмоқда



**Мамлакатимизда жорий этилган карантин даврида халқимизни COVID-19 инфекциясининг зарарли оқибатларидан ҳимоя қилиш, фуқароларимизнинг ушбу офатдан азият чекишларини олдини олиш мақсадида барча чоралар кўрилмоқда.**

Хусусан, «Уйда қолинг» шиори остида аҳолининг кам таъминланган, кўмакка муҳтож қатламларини, шунингдек, вақтинча ишлаш имконияти бўлмаган шахсларни ҳимоя қилиш, уларга меҳр-мурувват ва ғамхўрлик кўрсатиш борасида саховатпеша инсонлар томонидан турли хайрия тadbирлари ташкил этилмоқда. Жумладан, Экологик партиянинг Тошкент шаҳар, Бектемир тумани бўлими Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳри бошқармаси билан ҳамкорликда Бектемир туманидаги ижтимоий ёрдамга муҳтож oilalarнинг хонадонларида бўлиб, уларга бир неча хил турдаги oзиқ-овқат маҳсулотларини eтказиб бeришди.

Бундай эзгуликка йўғрилган мазкур хайрия tadbirlари жамиятимизда меҳр-oқибат, oдамлилик, эзгулик каби фазилатларни янада кучайтириш билан бирга барчани хайрли, савобли эзгу ишлар сари ундайди. Барчага маълумки қатъий карантин даврида ҳам уйда ўтириб кичик tadbиркорлик, хунармандчилик билан шуғулланиб, oilага даромад келтириш мумкин.

«Пандемиядан кучли бўлиб чиқишнинг бирдан-бир йўли кичик бизнес ва tadbиркорликка қўлай муҳит яратиш» дея таъкидлади Юртбошимиз 2020 йил 8 июль кuni ўтказилган ведиоселектор йиғилишида. Худди шу мақсадда Пре-

зидентнинг Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси Мансурбек Оллоёров бошчилигидаги ишчи гуруҳи Бектемир туманидаги Абай, Роҳат, Нурафшон, Бинокор маҳаллаларидаги ижтимоий ёрдамга муҳтож oilаларнинг шарoитларини ўрганиб чиқиб, 5 нафар аёлга тикув машиналари, oверлок ва дазмонли бeғараз eтказиб бeришди.

Натижада яна бешта oilада кичик tadbиркорлик учун имкониятлар яратилди. Бўлажак tadbиркорларга ҳозирги карантин шарoитида кишилар eҳтиёжи учун зарур бўлган кийим-кечак ва керамик буюмлар ишлаб чиқаришлари учун мутахассислар томонидан йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берилди.

Суратларда: хайрия ишларидан лавҳалар.

Райҳон ТАНИҚУЛОВА.

(ПОВТОРНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ)

## СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

Республика Узбекистан

Проект: «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

Строительство подводных и внутримассивных сетей водоснабжения

Форма финансирования: Истисна'а

ПРОЕКТ № УЗБ-1004

№ конкурсных торгов 2020-02

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского банка развития (ИБР) с целью финансирования проекта «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)» с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на строительство подводных и внутримассивных сетей водоснабжения в сельской местности Республики Узбекистан. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок ИБР. ООО ИК «Кишлок қурилиш инвест» – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для строительства 1 342 п. м. подводных и внутримассивных сетей водоснабжения и монолитного железобетонного резервуара (ёмкостью 100 м³) в Сырдарьинской области.

2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в Руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в Руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленного Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенному адресу в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

Сырдарьинская область

Адрес: г. Гулистан, ул. Ахтамова, 30.

Телефон: (67) 227-64-84.

Факс: (67) 227-64-42.

4. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, правомочными участниками может быть приобретен путем представления письменного заявления на имя организаторов торгов по вышеуказанному адресу с приложением платежного поручения из банка (о невозможности оплаты в размере одной МЗРП).

5. Невозможную сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве.

Ниже представлены реквизиты его банковских счетов:

| Сырдарьинская область              |
|------------------------------------|
| Банк: Сырдарьинский филиал НБУ ВЭД |
| Р/с: 2021 0000 3038 3676 6001      |
| ИНН: 202 585 476                   |

6. Все предложения должны быть предоставлены организатору конкурсных торгов в период с даты объявления конкурсных торгов (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по адресу, указанному в пункте 3. Предложения будут приниматься в Территориальных консалтинговых центрах по организации конкурсных торгов в строительстве в соответствии с регионом до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

7. Тендерную гарантию требуется приложить к предложениям в размере не менее 2 % от стоимости предложения. Открытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов.

Конкурсные предложения будут вскрываться по нижеуказанному адресу:

| Сырдарьинская область                 |
|---------------------------------------|
| Адрес: г. Гулистан, ул. Ахтамова, 30. |
| Телефон: (67) 227-64-84.              |
| Факс: (67) 227-64-42.                 |

8. Опроздившие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

| № Лота                   | Наименование района | Наименование массива | Протяженность сетей водоснабжения (п. м.) | Монолитный ж/б резервуар кол-во ёмкостью м³ | Срок строительства | Крайний срок подачи         |
|--------------------------|---------------------|----------------------|-------------------------------------------|---------------------------------------------|--------------------|-----------------------------|
| по Сырдарьинской области |                     | 2                    | 1342                                      | 1                                           |                    |                             |
| ИБР-92                   | Баяутский           | «Янгихаёт»           | 976                                       |                                             | 3 месяца           | 28 августа 2020 года, 10.00 |
|                          | Гулистанский        | «Юлдуз»              | 366                                       | 1                                           |                    |                             |

| Область       | № Лота | Требуемый среднегодовой оборот (млн сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (млн сум) | Контракты аналогичного объёма и характера (млн сум) | Общий опыт работы (год) | Земляные работы в объёмах по крайней мере (м³) | Бетонные работы в объёмах по крайней мере (м³) | Укладка сетей водоснабжения из полиэтиленовых труб диаметром от 100 до 300 мм со скоростью не менее км за один месяц | общей протяжённости более км | Строительство монолитных ж/б резервуаров ёмкостью не менее м³ |
|---------------|--------|------------------------------------------|----------------------------------------------------|-----------------------------------------------------|-------------------------|------------------------------------------------|------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------|---------------------------------------------------------------|
| Сырдарьинская | ИБР-92 | 950                                      | 200                                                | 500                                                 | 3                       | 800                                            | 100                                            | 1                                                                                                                    | 1                            | 100                                                           |

## «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ

нархлар ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2020 йил 28 август кuni бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига Хоразм вилояти ҳокимлиги молия бош қармасининг 2020 йил 15 июлдаги 01/08-34/986-сонли хати, Қўшқўпир тумани молия бўлимининг 2020 йил 10 июлдаги 14-сонли баёни ва Қўшқўпир тумани молия бўлимининг 2020 йил 24 июлдаги 01/01-32/112-сонли хатига асосан қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда: Қўшқўпир тумани, Ш. Рашидов кўчаси, 43-уйда сақланган 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 516 QAA бўлган NEXIA русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 30 210 509 сўм.

Ушбу мулк 2020 йил 28 августдаги очик аукцион савдосига сотилмай қолган тақдирда, тақририй аукцион савдолари 2020 йил 31 декабрь кунигача расмий иш кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида иштирок этишни истаганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳномадан нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар зақалат шартномасини тузиб, «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ ҳисоб рақамига 10 (ўн) фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар (ахборот ва маслаҳат хизмати) кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Тўлов учун реквизитлар: ҳисоб рақами 2020 8000 0049 5964 3001 АТИБ «Ипотека-банк» Тинчлик филиали МФО 00580 СТИР 302 221 689.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

Телефон: 91-421-00-88.  
Веб-сайт: [www.koss.uz](http://www.koss.uz)

4621 рақамли гувоҳнома.

## «Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК

### Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси

томонидан 2020 йил 1 июль кuni dxarid.uzex.uz электрон порталига 7028434-лот билан жойлаштирилган «Бухоро вилояти, Гиждувон туманидаги «Гиждувон» эркин иқтисодий зонаси учун оқава тизимлари ва оқава тозалаш

иншоотларини қуриш» объекти бўйича малакавий-техник кўрсаткичлари ўтиш бали 70 балл ва ундан юқори баҳоланган иштирокчиларнинг молиявий таклифларини кўриб чиқишга рухсат берилганини маълум қиламиз.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Исломобод 5-тор кўча, 52-уйининг Қосимова Матлуба Джалиловнага тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.



Ўзбекистон аҳолиси  
ва меҳмонларини кириб келаётган  
*Қурбон ҳайити билан*  
самимий табриклаймиз.

**Тошкент шаҳри**  
қурилиш соҳасида  
ҳудудий назорат  
инспекцияси  
жамоаси

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ**  
қурилиш соҳасида  
**ҳудудий назорат инспекцияси**  
**жамоаси**


*Бўтун мўсўлмон аҳли муқаддас айём*  
*сифатида нишонлайдиган муқорак*  
*Қурбон ҳайити билан барча*  
*юртдошларимизни самимий қўтлайди.*  
*Қурбон ҳайитида халқимизга хос бўлган*  
*меҳр-оқибат, саховат ва шўкроналик каби*  
*олижаноб қадриятлар янада ҷўғланади.*  
*Аллоҳ таоло барчамизни имонда*  
*собиққадам қилсин, юртимизни тинч,*  
*осмонимизни мўсаффо, халқимиз*  
*турмушини фаровон айласин!*



**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ**  
қурилиш соҳасида  
**ҳудудий назорат инспекцияси**  
**жамоаси**

азиз юртдошларимизни муқаддас айём –  
**Қурбон ҳайити**  
билан табриклаб,  
барчага маънавий баркамоллик  
ҳамда сиҳат-саломатлик тилайди.

Ушбу қўтлау байрам  
қалбингизга ҳузур,  
хонадонингизга  
фаровонлик олиб келсин!  
Дилнингиздаги барча  
эзгу истақларингиз  
иҷобат бўлсин!

*Муборак*  
*Қурбон ҳайити*  
*бағлангизга*  
*қўтлау бўлсин!*

**O'ZBEKISTON BUNYODKORI**  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

